



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 29 октябрь, № 222 (9117)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА СЕРБИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан
Сербия Республикаси Президенти Александ Вучич расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



Ўзбекистон ва Сербия муносабатлари бугун янги мазмун касб этмоқда. Икки давлат ўртасидаги мулоқот нафақат икки томонлама ҳамкорлик доирасида, балки кенг минтақавий алоқалар тизимида муҳим ўрин тутмоқда.

Бу муносабатлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг мувозанатли ва прагматик йўналишини яна бир бор намоён этмоқда. Мамлакатимиз кейинги йилларда фақат анъанавий ҳамкорлар билан чекланиб қолмай географик жиҳатдан узоқ, аммо иқтисодий ва маданий жиҳатдан яқин бўлган давлатлар билан ҳам муносабатларни кенгайтиришга кат-

та эътибор қаратмоқда. Сербия билан яқинлашув ҳам шундай ёндашувнинг амалий ифодасидир. Бу сиёсат нафақат иқтисодий манфаатларга, балки минтақалар ўртасидаги сиёсий барқарорлик ва дипломатик тенгликка хизмат қилади.

Иқтисодий жиҳатдан қаралганда, Ўзбекистон — Сербия ҳамкорлиги икки томон учун ҳам янги бозорлар эшигини очади. Машинасозлик, фармацевтика, ахборот технологиялари ва агросаноат соҳаларидаги шериклик лойиҳалари иқтисодий интеграциянинг муҳим нуқтаси бўлади.

Келгусидаги ҳамкорлик йўналиш-

лари фақат иқтисод билан чекланмайди. Таълим, фан, маданият ва спорт соҳаларидаги қўшма дастурлар халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Бу жараёнда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқ ёндашуви кўзга яққол ташланади.

Олий мартабали меҳмон 28 октябрь куни “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуа билан қисқача танишув асносида Сербия делегацияси вакиллариға мазкур ансамбль мазмуни ва меъморий ечимлари ҳақида маълумот берилди.

“Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументи истиқлолимининг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган. Уч минг йилдан зиёд давр — она Ватанимиз ҳудудидаги миллий давлатчилик тарихи илдизлари шу қадар теран. Монументга эътибор қаратган киши мана шу залварли ўтмишнинг бадий ифодасига гувоҳ бўлади.

Олий мартабали меҳмонлар, расмий хорижий делегацияларнинг мамлакатимизга ташрifi доирасида бу ердаги монументга гул қўйиш анъанага айланган.

Делегация аъзолари мажмуада акс эттирилган алломалар, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, жадид боболаримизнинг сиймоларига алоҳида эътибор қаратди. Тинчлик, эркинлик, эзгулик тимсоли бўлган Ҳумо куши тасвири мажмуанинг бамисоли гултожидай кўриниши эътироф этилди.

Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳида Сербия Республикаси Президенти Александ Вучични расмий кутиб олиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсулага таклиф этди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ҳарбий оркестр садолари остида етакчилар фахрий қоровул сафи олдиндан ўтдилар. Расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сербия Республикаси Президенти Александ Вучичнинг расмий делегациялар иштирокидаги музокара-лари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Сербия етакчисини самимий кутлар экан, ҳамкорлик давридаги биринчи саммит тарихий аҳамиятга эга бўли-

шини ва Ўзбекистон — Сербия муносабатларини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишини таъкидлади.

— Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган йилда расмий ташрифингиз тарихий воқеадир. Ўзбекистонда Сербияга катта хайрихоҳлик билан қарашади. Халқларимизни мустаҳкам дўстлик ришталари ва ўхшаш менталитет боғлаб туради, — деди Ўзбекистон Президенти.

Музокараларда алоҳида эътибор товар айирбошлашни кўпайтириш, машинасозлик, фармацевтика, кимё саноати, ахборот технологиялари ва рақамлаштириш, агросаноат мажмуи, туризм ҳамда кўплаб бошқа муҳим тармоқларда кенг қўламли кооперация дастурини тайёрлаш масалаларига қаратилди.

“Марказий Осиё — Болқон” йўналишида янги транспорт йўлакларини, жумладан, Транскаспий коридори доирасида ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳамкорликнинг иқтисодий кун тартибини илгари суриш мақсадида келгуси йилда Тошкент шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи ййгилишини ўтказишга келишиб олинди.

Тартибли меҳнат миграцияси, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Етакчилар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сербия Республикаси Президенти Александ Вучич Қўшма декларацияни имзоладилар.

Етакчилар ҳузурда ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Жумладан:

— Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш тўғрисида битим;

— Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Тиббий хизматлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Муҳандислик, илгор технологиялар, сунъий интеллект ва турдош соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Дипломатик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича 2026-2027 йилларга мўлжалланган дастур;

— Меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Тошкент ва Белград шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида битим.

Ўзбекистон билан Сербия ўртасидаги олий даражадаги музокара-лар якунида Кўксарой қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлди.

Фахрий меҳмонлар хиббонида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александ Вучич мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга, икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очишга муштарак интилиш ифодаси сифатида дарахт экидилар.

Сербия Республикаси Президенти Александ Вучичнинг мамлакатимизга расмий ташрifi давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон ва Сербия:

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ТАРИХИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Ўзбекистон — Сербия муносабатлари тарихи ўттиз йилдан ортиқ вақтни ташкил этади. Ҳа пайтда Югославия Федератив Республикаси бўлган, кейинчалик Сербия ва Черногорияга бўлинган давлат 1991 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси

Биз ва жаҳон

мустақиллигини тан олди ва 1995 йил 18 январда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўшандан буён ҳамкорлик барқарор ривожланмоқда. Гарчи бир неча йиллар давомида унинг динамикаси нисбатан паст бўлган бўлса-да, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг тобора фаоллашиб

бораётган ташқи сиёсати ва халқаро алоқаларни диверсификация қилиш истаги фонида ўзбек — серб муносабатлари сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Расмий Тошкент ва Белград

ўртасидаги сиёсий мулоқот ҳам сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилмоқда. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги йўлга қўйилган мунтазам мулоқот бу борада муҳим қадамларга айланди. Шундай қилиб 2023 йил 20 август куни Будапештда бўлиб ўтган Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сербия Президенти Александ Вучич ўртасида қисқа суҳбат

кечди. Етакчилар ўртасидаги навбатдаги учрашув 2025 йил 3 сентябрь куни Пекинда Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган парад пайтида бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва давлатлараро мулоқотни фаоллаштиришдан манфаатдорлигини тасдиқлади.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги масла-

ҳатлашувлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга сезиларли туртки беряпти. Масалан, 2017 йил август ойида Сербия ТИВ сиёсий директори ва Президентнинг Косово бўйича махсус вакили Зоран Вуйич Тошкентга ташриф буюрди. Ташриф давомида БМТ, ЕХҲТ ва ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотлар доирасида сиёсий мулоқот ва ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.



2

КУЧЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ — КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз тарихий ислохотлар даврини бошидан кечирмоқда. Бу муҳим ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги кенг қўламли ислохотлар касаба уюшмалари соҳасида ҳам муҳим ўзгаришларга замин яратди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни ва Меҳнат кодекси янги тахрирда қабул қилинди. 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни сифатида белгиланди. Соҳада кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилди. Бу ўзгаришлар мамлакатимиздаги энг юксак мавқега эга жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Таҳлил

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 17 октябрда касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашуви, том маънода, чинакам тарихий воқелик бўлди. Бинобарин, касаба уюшмаларининг эл-юрт фаровонлигидаги ўрни беқийёс бўлиб, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳуқуқ ва эркинлик-

лар таъминланган, одамлари эмин-эркин яшаб, меҳнат қилиб, даромад топадиган мамлакатда давлат ҳам, жамият ҳам албатта ривожланади.

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 130 миллиард долларлик хорижий инвестиция кириб келди, кўплаб янги қувватлар ишга туширилди, юз минглаб доимий иш ўринлари яратилди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, аҳолига қўлай меҳнат шароитлари яратиб бери-

лаётгани туфайли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етди. Учрашувда бу натижаларда 8 миллионга яқин аъзоларга эга бўлган энг халқчил нодавлат ташкилоти — касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгани соҳа ҳодимлари меҳнатига берилган юксак баҳо.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган очиклик, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатликка асосланган ташқи сиёсатга ҳамоҳанг тарзда Федерациянинг ҳам халқаро майдонда фаоллиги тобора ортмоқда. Хусусан, 2021 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббус билан Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ташкил этилгани мазкур жамоат ташкилотининг минтақадаги юқори мавқеидан далолатдир.



3

Ўзбекистон — Вьетнам:

ИШОНЧЛИ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

24 — 28 октябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги делегация Вьетнам Социалистик Республикасида бўлди.

Ташриф

Ташриф давомида Ўзбекистон делегацияси Ханой шаҳрида ўтказилган БМТнинг Кибержиноятчиликка қарши кураш конвенциясини имзолаш маросимида ва юқори даражадаги конференция ишида иштирок этди.

Конвенцияни имзолаш маросимида 100 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди. Хусусан, БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш ва Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Луонг Куонг сўзга чиқди.

Тадбирда бугунги рақамлаштириш даврида кибержиноятчилик ўзининг чегарасиз табиати билан дунё муаммосига айланаётгани, бу билан у мамлакатлар хавфсизлиги, иқтисодиёти ва жамият ҳаётига жиддий таҳдид со-

лаётгани, шу боис ҳам давлатлар ўртасида ҳамжихатлик муҳим аҳамият касб этиши, конвенция эса халқаро ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос яратиши таъкидланди.

Ушбу конвенциянинг

имзоланиши мустаҳкам ҳуқуқий базани яратиб, давлатларга кибертаҳдидларга биргаликда жавоб бериш ва муҳим ахборот, жумладан, электрон далиллар билан алмашиш имконини бериши қайд этилди.

Делегация аъзолари юқори даражадаги конференциянинг ялпи мажлисида ҳам қатнашди. Унда мамлакатимиз делегацияси раҳбари сўзга чиқиб, конвенциянинг қабул қилинишига Ўзбекистоннинг муносабати, мазкур йўналишда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, кибержиноятчиликка қарши курашиш борасида юртимизда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Ўз навбатида, Вьетнам томони Ўзбекистон вакиллари баён этган ва мамлакатимизда янги тахрирдаги Конституция асосида олиб борилаётган демократик ислохотларни, парламент фаолиятидаги ўзгаришларни алоҳида эътироф этди.



2

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ТОШЛОҚЛИКЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Юртимизда жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, аҳоли эҳтиёжларини бевосита ўрганиш ва рози қилиш орқали давлат бошқарувининг халқчил моделини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Тошлоқ маҳалласида сайловчилар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Учрашувда маҳалла аҳолисини ташвишга солаётган инфратузилма билан боғлиқ бир қатор муаммолар, жумладан, айрим хонадонлардан ўтувчи юқори кучланишли электр линияларини кўчириш, эски симёғочларни бетон таянчларга алмаштириш, ички йўллارни тазмирлаш ва асфальтлаш каби масалалар кўтарилди.

Аҳоли электр таъминотидаги узилишлар, хусусан, 43 та хонадон ҳовлисидан юқори кучланишдаги электр линиялари ўтгани сабабли хавфсизлик билан боғлиқ ноқулайликлар ҳақида гапириб берди.

Сенатор мазкур масалани Энергетика вазирлиги ҳамда тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўрганиб чиқди ва пировардида аниқ амалий чоралар кўрилди. Яъни 40 та электр таянч устуни алоҳида хонадонларидан кўчага чиқарилди, 3,5 километр ички йўл асфальтланди, ички кўчаларга шағал тўкиш ишлари амалга оширилди.

Маҳалла фаолларининг таъкидлашларича, бундай ўзгаришлар аҳолининг кундалик ҳаётида қулайлик яратиб, хавфсизлик ва яшаш сифатини яхшиламоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Сербия:

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ТАРИХИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

1

2021 йилда Тошкентда Сербия ТИВ давлат котиби Неманя Старович иштирокида сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди. 2025 йил 9 октябрь кунини Ўзбекистон ва Сербия Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида видеоконференция шаклида сиёсий маслаҳатлашувларнинг иккинчи давраси бўлиб ўтди. Сербия делегациясига Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Дамьян Йович бошчилик қилди.

2022 йилда икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасида ҳамкорлик ва идоралараро маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протоколнинг имзоланиши муҳим босқич бўлди. Хужжат томонларнинг мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш, маданий ва гуманитар мулоқотни кенгайтириш ва сиёсий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ниятини тасдиқлади.

Жорий йилда Ўзбекистоннинг Сербиядаги биринчи элчиси (қароргоҳи Будапештда жойлашган) тайинланиши икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим қадамга айланди.

2021 йилда Тошкентда Сербия Президенти Александар Вучичга ишонч ёрлиқларини топширди. Бу икки томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга қизиқиш ортди бораётганининг яна бир далилидир.

Шу йил сентябрь ойда Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеяси доирасида икки мамлакат ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу мулоқотлар Тошкент ва Белград ўртасидаги сиёсий мулоқотнинг янги архитектурасини шакллантиришда муҳим босқичга айланди. 27 октябрь кунини Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида Сербиянинг мамлакатимизга янги тайинланган элчиси (қароргоҳи Москва шаҳрида жойлашган) Момчило Бабинининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Сиёсий мулоқот парламентлараро ҳамкорлиқнинг мустаҳкамланиши билан янада чуқурлашмоқда. 2021 йилда Олий Мажлисида Сербия Миллий Ассамблеяси (парламенти) билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ тузилди. Бу давлатлараро мулоқотни ривожлантириш ва қонунчилик тажрибасини алмашиш учун барқарор пойдевор яратди.

Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳозирда камтарона кўрсаткичга эга бўлса-да, бироқ бу соҳада катта ишчи қўллар мавжуд. 2025 йил июли ойда Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазирини Лазиз Қудратов ҳамда Сербия халқаро иқтисодий ҳамкорлик вазирини Ненад Попович ўртасида онлайн музокаралар бўлиб ўтди. Томонлар иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлиши кутилаётган Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимини ишлаб чиқиш ва имзолашга келишиб олдидлар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Сербия капитали иштирокидаги саккизта корхона, жумладан, икки-

та қўшма корхона ва олти та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Потенциал ҳамкорлиқнинг асосий йўналишлари машинасозлик, фармацевтика, қурилиш, енгил саноат ва таълимдир. Ўзбекистон, шунингдек, минтақа бозорларига киришни таъминлаб, Сербия учун Марказий Осиёдаги муҳим шерикка айланиши мумкин.

Маданий-гуманитар алоқалар Ўзбекистон — Сербия муносабатларида алоҳида ўрин тутди. Сербия санъат усталарининг 2011 ва 2013 йилларда Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалидаги иштироки, шунингдек, сербиялик теннисчи Божан Йовановскийнинг “Tashkent Open 2013” турниридаги ғалабаси икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик рамзига айланди.

Истиқболли йўналишлар қаторига таълим алмашинувларини ривожлантириш, академик ҳамкорлик ва

ўзаро тушуниш ҳамда ишончли муносабатларни кўшма маданий лойиҳалар қиради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — Сербия муносабатлари ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ривожланишга содиқликка асосланган янги босқичга қадам қўймоқда. Бугунги кунда икки мамлакат сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва маданий алоқаларни фаоллаштириш учун кенг имкониятларга эга. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларни диверсификация қилишга қаратилган фаол ташқи сиёсат стратегиясини ҳисобга олган ҳолда Сербия Президенти Александар Вучичнинг Ўзбекистонга бошланган расмий ташрифи янги истиқболларни очиб беради ҳамда икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро майдондаги мавқеини янада мустаҳкамлайди деб ишонч билан айтиш мумкин.

«Дунё» АА.

ЕВРОПА БОЗОРЛАРИГА КИРИШ ИМКОНИ

Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан Сербия Республикаси Президентининг юртимизга ташрифи икки мамлакат муносабатларида янги тарихий босқични бошлаб берди. Ва бу — дўстлик, ўзаро ишонч ҳамда стратегик ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

■ Акс садо

Сербия Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Европадаги энг муҳим ҳамкорлардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида Европа мамлакатлари билан иқтисодий, инвестициявий ва технологик алоқаларни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуктаи назардан, бўлиб ўтган музокаралар амалий мазмунга эга бўлиб, икки томонлама муносабатларнинг янги пойдеворини яратди дейиш мумкин.

Мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар алоқаларининг қай даражада эканлигини билдирувчи асосий мезондир. Шу маънода, сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий

алоқалар ривожига назар ташлайдиган бўлсак 2024 йил якунига кўра икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 18,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич олдинги йилдагига нисбатан қарийб 84 фоиз ўсиш демак. Бу рақамлар — ўзаро манфаатли шериклик ва ишончли сиёсий мулоқотнинг ёрқин натижаси. Албатта, бу ҳали фақат бошланғич самаралар, чунки Ўзбекистон ва Сербия имкониятлари бу кўрсаткичнинг бир неча баробар ошириш салоҳиятига эга.

Маълумки, Сербия Европадаги энг йирик IT-марказларидан бири саналса, Ўзбекистон Марказий Осиёда рақамли иқтисодиёт соҳасида етакчи мамлакат ҳисобланади. Бу

ўхшаш салоҳият ва тажриба ҳам бизга IT-лоиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш ҳамда Европа бозорларига кириш имконини беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг тўқимачилик соҳасидаги улкан ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда Сербияда ўзбек компаниялари иштирокида қўшма фабрикалар ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш ҳам кун тартибидagi устувор вазифалардан саналади.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Сербия ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада жонлантириш, қўшма маҳсулотларни Европа бозорларига чиқариш мақсадида Белград шаҳрида “Ўзбекистон

Кобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

ТОҒ-КОН САНОАТИ РИВОЖИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

Пойтахтимизда жойлашган “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон халқаро кон-металлургия форуми ўтказилди.

Форум

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда “Congresses of Central Asia — CCA” халқаро компанияси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда ҳукумат вакиллари, соҳа раҳбарлари, йирик ишлаб чиқарувчилар, инвесторлар, молия институтлари ҳамда халқаро экспертлар қатнашди.

Таъкидланганидек, тоғ-кон саноати инсоният тараққиётида муҳим стратегик йўналиш сифатида бугунги кунда намоён бўлмоқда. Табиий ресурсларга бўлган талаб ортиб бораётган ҳозирги шароитда минерал хомашёларни қазиб олиш, уларни қайта ишлаш ва юқори технологияли маҳсулотлар яратиш масаласи долзарб бўлиб бораётди.

Хозирда соҳага инновацион ёндашувлар, рақамли ечимлар ва барқарор ривожланиш тамойилларини жорий этиш замон талабидир. Мана шундай муҳим мавзуларни муҳокама қилиш мақсадида ўтказилган ушбу форумда халқаро экспертлар, соҳа етакчилари ва иқтисодий таҳлилчилар ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Хусусан, “Geovia” компанияси директори Ральф Смит тоғ-кон саноати геосиёсий ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омилга айланаётганини айтиб ўтди.

— Айни пайтда қончилик тармоғида рақамлаштириш ва виртуаллашти-

риш жараёни янги босқичга кўтарилмоқда. Замонавий технологияларни бир-бирига интеграциялаш орқали виртуал моделлар яратиш, симуляция орқали стратегик ҳамда ишлаб чиқариш қарорларини тез ва аниқ қабул қилиш имкониятини кенгайтиради. Виртуаллаштирилган ишлаб чиқариш платформалари реал вақтдаги маълумотлар асосида режалар ва стратегияларни доимий янгиллаш, кундалик муаммоларни самарали ҳал қилиш имконини беради, — деди Ральф Смит.

Ўзбекистон — Вьетнам:

ИШОНЧЛИ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

1

Ўзбекистон делегациясининг Вьетнам Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Бош котиби То Лам билан мулоқоти ҳам юқори даражада бўлди.

То Лам Ўзбекистон етакчисини раҳбарлигида демократик ислохотлар тизимли равишда амалга оширилаётгани, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан кучайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилаётганини, таълим, тиббиёт каби ижтимоий соҳаларда кенг қамровли ижобий ўзгаришлар ўз амалий ифодасини топаётганини таъкидлади.

Ханой конвенциясининг имзоланиши бутун инсоният учун умумий муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамжамиятлик руҳининг ёрқин ифодаси эканлиги ургуланди.

Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигидаги делегациянинг Ханой шаҳрига ташрифи доирасида Вьетнам Миллий мажлиси Раиси Чан Тхань Ман билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон — Вьетнам муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, хусусан, парламентлараро ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик фаоллашгани, мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқотлар Ўзбекистон — Вьетнам ҳамкорлигини барча — сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда изчил ривожлантиришга кучли туртки бергани алоҳида ургуланди.

Қонунчилик палатаси Спикери Вьетнам томонига янги тахрирдagi Конституция асосида мамлакатимизда янги ижтимоий-сиёсий

муҳит шаклланигани, Президентини Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган демократик ислохотлар, иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва бошқа соҳалардаги ислохотлар, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот берди.

Ўз навбатида, Чан Тхань Ман Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти билан самарали ва очиқ ташқи сиёсатини юқори баҳолаб, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлган парламентлараро ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳар томонлама фойдали эканини таъкидлади.

“Менингу шу йил апрель ойда Тошкентга амалга оширган расмий ташрифим ва Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясидаги иштироким ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Вьетнам парламенти Ўзбекистон билан алоқалар мустаҳкамланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Чунки ҳар икки давлат ривожланиш босқичида, ҳамкорлик учун, айниқса, нефтьгаз саноати, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, логистика ва туризм соҳаларида имкониятларимиз жуда юқори”, деди Вьетнам Миллий мажлиси Раиси.

Сўхбат давомида жорий йил ноябрь ойда “Ўзбекистон — Вьетнам” парламентлараро гуруҳининг онлайн учрашувини ўтказишга келишиб олинди.

Делегация аъзоларининг конференция доирасида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан ҳам учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида у Ўзбекистон етакчисини томонидан олиб борилаётган очиқ, ўзаро манфаатли ва конструктив

ташқи сиёсатини ижобий баҳолаб, сўнгги йилларда мамлакатда бўлаётган чуқур ўзгаришларни алоҳида эътироф этди.

Учрашувлар самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

Қонунчилик палатаси делегацияси таркибида бўлган сиёсий партия фракцияси раҳбари ҳамда депутатлар ушбу ташрифнинг аҳамияти, унинг доирасида ўтказилган учрашувлар ва мулоқотлар ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Робахон МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси раҳбари:

— Бугун Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги муносабатлар нафақат расмий дипломатик форматда, балки халқлар дўстлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида мустаҳкамланмоқда. “Адолат” СДП фракцияси Вьетнам Миллий мажлиси билан ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиш, ёш парламентарийлар ва экспертлар ўртасида алоқаларни кенгайтириш учун устувор вазифа деб билади.

Бизнинг умумий мақсадимиз — парламентлар фаолиятини яқинлаштириш орқали халқларимиз манфаатига хизмат қиладиган, барқарор ва очиқ ҳамкорлик муҳитини яратишдан иборат.

Ташриф доирасида Ханойда бўлиб ўтган БМТнинг Кибержиноятчиликка қарши кураш конвенциясини имзолаш маросимида иштирок этдик. Бу ташаббус мамлакатимиздаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли маконни муҳофаза қилиш сиёсати билан уйғундир.

Бинобарин, кибержиноятчилик чегара билмайди. Трансчегаравий хусусиятини инобатга олиб, унга қарши курашни фақат биргаликдаги ҳаракатлар орқали амалга ошириш мумкин.

Маросим иштирокчилари ҳам айнан шу жиҳатни алоҳида қайд этди. Бу конвенция бошқа ҳужжатлардан фарқи ўлароқ инсон ҳуқуқлари тамойилларига асосланган ва кибержиноятларнинг олдини олиш, тергов қилиш ҳамда бу соҳада ҳамкорлик учун, ҳақиқатан ҳам, глобал ва замонавий тизимни тақлиф этувчи халқаро шартномага айланиши мукаррар.

Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси:

— Ўзбекистон учун Вьетнам — Жануби-Шарқий Осиёда жозибадор ҳамкор ҳисобланади. Сўнгги йилларда олий даражадаги музокаралар қишлоқ ҳўжалиги тармоғи бўйича шолчилик, пахтачилик, гўшт ва суг маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда бошқа истиқболли лойиҳаларда ҳамкорлик қилиш имкониятларини янада кенгайтирди.

Ўзбекистондаги қулай ва жозибадор инвестициявий муҳит сабаб Вьетнам ишбилармонлари юртимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қизиқиш билдирмоқда. Муносабатлар фаоллаштириш натижасида логистика ва туризм йўналишлари ҳам жадал ривожланипти.

Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирокида бўлиб ўтган қатор учрашувлар, шубҳасиз, мам-

КУЧЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ — КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

2023 йилда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркия Миллий касаба уюшма марказлари иштирокида Туркий давлатлар касаба уюшмаси ташкилотига асос солинди. 2024 йилнинг 3 — 5 декабрь кунлари Бразилиа шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси Бош кенгашининг 35-мажлисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси конфедерацияга тўлақонли аъзоликка қабул қилинди. Мазкур халқаро касаба уюшмалари бирлашмаси ўз таркибида 169 давлатдан 330 та касаба уюшма ташкилотини биллаштирган ва ўз сафарида 250 миллиондан кўпроқ аъзоларга эга бўлган нуфузли ташкилотдир. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмаларининг мазкур бирлашмага қабул қилиниши мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг халқаро эътирофи сифатида баҳоланмоқда. Аслини олганда, бу Янги Ўзбекистон тарихига зарҳал харфлар билан битилса азирлиқ воқеликидир.

Бундай эътирофга ўз-ўзидан эришиб бўлмайти, албатта. Бунинг замирида жуда катта меҳнат, тинимсиз сай-ҳаракатлар мавжуд. Натижалар эса залварли, қувончли.

Сўнгги йилларда Федерация тизимидаги санаторийлар сони икки баробар ортиб, 31 та етгани, болалар оромгоҳлари сони тўрт баробар кўпайиб, 100 тадан ошгани, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг тарихи музейи ташкил этилгани, пойтахтимиз марказида жаҳон стандартлари даражасидаги Сув спорти саройи ва Қирғизистондаги Иссиқкўл ҳудудида “Vo’ston resort” пансионати ишга туширилгани эътирофга лойиқ. Энг муҳими, бу каби яна кўплаб бунёдкорлик, яратувчилик ишлари замирида меҳнаткаш халқнинг оғирини енгил қилиш, унга муносиб меҳнат шaroитлари яратиш каби эзгу ниятлар ётади.

Албатта, бундай юқори марраларни забт этишда раҳбар, бошловчи, етакчининг салоҳияти, халқларварлиги, узоқни кўра билиши муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, қўлга киритилаётган бу ютуқларда Федерация жамоаси ва унинг раҳбари, таниқли давлат ва жамоат арбоби, сиёсатшунос Қудратилла Рафи-



қовнинг беқийс хиссаси бор. Юртимиз ижтимоий-сиёсий maidонида юксак ҳурмат-эътиборга эга бу инсон ўзининг бой тажрибаси, фидокорона хизмати, ватанпарварлиги ва садоқати билан ислохотларни амалга ошириш, юртинг оғрикли муаммоларини ҳал этишда Президентимизга елкадош бўлиб, Янги Ўзбекистон тараққиётига сидқидилдан хизмат қилиб келаётгани айни ҳақиқатдир. Федерация давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган “аёллар дафтери”нинг бутун республика бўйича бош координатори сифатида кўплаб кам таъминланган хотин-қизларимизнинг дардига дармон бўлиб, уларнинг ҳаётига рўшнолик олиб киргани ҳам айни ҳақиқатдир. Бугун етти-саккиз йил илгари ҳаётдан норози бўлиб, чор-ночор кун кеचириб келган ўнлаб аёллар жамиятнинг фаол аъзоларига, ишбилармон ва тadbirkорларига айлангани фикримизнинг исботидир.

Ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимояси, иш ва дам олиш вақтларини аниқлаш, иш ҳақи ва пенсияларнинг вақтида тўланишини таъминлаш ҳамда хавфсиз меҳнат фаолиятини ташкил қилиш касаба уюшмалари Федерациясининг асосий вазифалари ҳисобланади. Федерация жамоаси Қудратилла Рафиқов раҳбарлигида бу вазифаларни масъулият билан бажариб келмоқда, ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати тизимида ҳам касаба уюшмалари муҳим роль ўйнайди. Комбинат касаба уюшмалари Кенгашида 144 та бошлангич касаба уюшмаси кўмитаси фаолият кўрсатиб, 82 минг нафардан зиёд аъзоларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиб келмоқда.

Касаба уюшмалари ҳодимларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик соҳасида доимий назорат ўрнатиш, ижтимоий дастурларни амалга ошириш каби вази-

фаларни бажаряпти. Комбинат нафақат иқтисодий салоҳияти, балки ижтимоий соҳадаги ишлари билан ҳам мамлакатимиз санoат секторида энг намунали корхоналардан биридир. Биз, иш берувчи сифатида касаба уюшмаси Кенгаши билан биргаликда амалдаги қонунчилик ҳамда жамоа шартномасида кўзда тутилган шартларни изчил таъминлаб келмоқдамиз.

Президентимизнинг касаба уюшмалари фахрийлари ва фаоллари билан учрашувда айтган “**Янги Ўзбекистонда ҳар бир инсонга муносиб меҳнат, касб соҳасида ўсиш, дам олиш ва саломатлигини тиклаши учун зарур шарoит яратиш — гoят муҳим масала. Биз шу мақсадда ижтимоий давлатнинг янги моделини яратяпмиз. “Кўчилик касаба уюшмалари — кучли жамият асоси” деган ташаббус асосида сизлар бу жараёнда олдинги сафда бўлишингиз керак**” деган сўзлари комбинат касаба уюшмаси учун ҳам дастуриламал бўлади.

Мазкур учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан иш билан боғлиқ

“Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз иқтисодийётига 130 миллиард долларлик хорижий инвестиция кириб келди, кўплаб янги қувватлар ишга туширилди, юз минглаб доимий иш ўринлари яратилди. Tadbirkorликка кенг йўл очилиб, аҳолига қулай меҳнат шaroитлари яратиб берилётгани туфайли жсон бошига даромад 3,5 минг долларга етди. Учрашувда бу натижаларда 8 миллионга яқин аъзоларга эга бўлган энг халқлиқ нодавлат ташкилоти — касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси борлиши алоҳида таъкидлаб ўтилгани соҳа ҳодимлари меҳнатига берилган юксак баҳо.

бахтсиз ҳодисалар ва касбга оид касалликлар ҳақидаги маълумотларнинг яхлит тизими йўлқиги кўрсатиб ўтилди. Шу боис комбинатимизда ишчи-ҳодимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларини тизимли равишда қайд этиш, таҳлил қилиш ва ҳисоботини юритиш учун рақамлаштирилган ягона электрон тизим яратиш ишлари олиб бoрилмоқда. Бунда сунъий интеллект технологиялари ҳам кенг қўлланилиб,

ҳодисалар сабабларини тезроқ ҳамда аниқроқ аниқлаш, хавфли ҳолатларни олдиндан прогноз қилиш ва хавфсизлик чора-тадбирларини самаралироқ жорий этиш имкониятлари яратилади.

Иш жойларида хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш, ҳодимларни мунтазам равишда ўқитиш ва тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, замонавий техника ва муҳофаза воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касаба уюшмалари ва корхоналар билан самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаш эса бахтсиз ҳодисалар сонини камайтириш ва касб касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, айни пайтда касаба уюшмаси бўла биргаликда ишчи-ҳодимларнинг буюртмаларига асосан уларга дам олиш уйлари ва санаторийларга, фарзандларига эса ёзги мавсумда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар ажратишда шаффофликни таъминлаш мақсадида ягона рақамли тизим жорий қилинмоқда.

Ҳамкасбларимиз соғлиги биз учун

жуда муҳим. Уларни имтиёзли равишда соғломлаштириш, соғлиқларини тиклаш, бўш вақтларини мароқли ташкил этиш учун сўлим манзилларда замонавий талабаларга жавоб берадиган 6 та сихаттоҳ ва дам олиш маскани, 11 та болалар оромгоҳи, 5 та тиббиёт муассасаси, 6 та маданият ва шунча спорт масканига эгаимиз. Уларнинг барчаси ҳамкасбларимиз ва уларнинг оила аъзоларига сифатли хизмат кўрсатиб келяпти.

Ҳар гал Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, Заркент қўргони, Маржон-

булоқ шаҳарчаси ва бошқа ҳудудларга борганимда ҳамкасбларимиз, уларнинг oilаси, фарзандлари, маҳаллий аҳоли вакиллари ижтимоий соҳа объектлари — уй-жойлар, спорт масканлари, маданият ва истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, санаторийларда мириқиб дам олаётгани, қувончи ва шукроналигини кўриб, шундай хайрли ишларни ташкил қилаётган касаба уюшмалари фаолларидан мамнун эканликларини сезаман.

Мамлакатимизда Президентимизнинг ташаббуслари билан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида комбинатимиз жамоаси томонидан кўаламзорлаштириш ишлари уюштирилиб, завод ва корхоналар атрофларига манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда, янги боғлар ташкил этилаётир. Президентимизнинг халқимизга чўқур ҳурмат ва эҳтиром ifодаси сифатида ҳар бир ҳудудда “Касаба уюшмалари боғлари”ни очиш таклифини қўлаб-қувватлаган ҳолда бу борада ҳам касаба уюшмамиз билан ишларни белгиллаб олдик.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойили — инсон қадрини улуғлаш ва унинг ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини кенгайтиришдан ibорат. Янгиланган қонунчилик ва ижтимоий ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фаолияти ҳамда халқаро ҳамкорлиги ушбу мақсадга хизмат қилади.

Федерация томонидан амалга оширилаётган барча тadbирлар халқимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлигини оширишга, ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга ҳамда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни ривожлантиришга қаратилган.

Янги Ўзбекистонда касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Уларнинг фидокорона фаолияти туфайли меҳнат муносабатларида адолат, ишчи-ҳодимлар ҳаётида фаровонлик таъминланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий тараққиётни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Қувондик САНАҚУЛОВ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Хунармандчилик
КУЛОЛЧИЛИК МУЗЕЙИ
САЙЁҲЛАРНИ
ЧОРЛАЙДИ

Яқинда фаолиятини бошлаган Риштон аънавий кулолчилиги тарихи музейи қисқа фурсатда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар эътиборига тушди. Туман марказида қад ростлаган ушбу масканда кўҳна тарих ҳамда замонавий тараққиёт мезонлари ўзаро уйғунлаштирилган бўлиб, энг сара кулолчилик намуналари жамланган.



— Кўп йиллик орзуимиз ижобат бўлишида Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 январда қабул қилинган “Риштон аънавий кулолчилиги тарихи музейи фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлди, — дейди музей директори Алишер Назиров. — Бу масканда ноёб кулолчилик ашёларини тўплаш ва сақлаш билан бирга, хорижий ҳамкорлик доирасида турли кўргазмалар уюштириш ҳам кўзда тутилган.

Музейда “Устоз — шогирд” аънараси асосида ёшларни бу қадим ҳунарга ўргатиш ишлари ташкил этилади. Илгор ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда музей экспонатлари мунтазам кенгайтириб бoрилади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Риштон туманига ҳар йили қариб 300 мингдан кўп маҳаллий ҳамда 50 мингдан зиёд хорижий сайёҳлар ташриф буюрмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ (Халқ сўзи).

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАРГА
КОНСТРУКТИВ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, шу жумладан, суд экспертлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ун давлатнинг давлат чегаралари туташган нукта тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш, олий таълимга оид малакалари тан олишга қаратилган қонун лойиҳалари атрофида қўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Нодавлат суд
экспертларининг
ҳуқуқий мақоми
белгиланмоқда

Мажлисда дастлаб “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-экспертлик соҳасини янада такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бoриш ҳамда суд экспертизаси назарияси ва амалиётини ривожлантириш, суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини қўлаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда. Илмий фаолият билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот)ларнинг ўз фаолият йўналиши бўйича суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишга руҳсат бeриш назарда тутилган.

Шунингдек, суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказишда илгор хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида суд экспертизасини тайинловчи органга (шахсга) ўз ташаббуси билан ёки давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг илтимосномасига асосан суд экспертизаси соҳасидаги хорижий давлат мутахассисларини суд эксперти сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилмоқда. Бундан ташқари, адвокатнинг сурови ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларига мувофиқ шартнома асосида давлат ва нодавлат суд экспертлари томонидан тадқиқотлар ўтказиш ва экспертлик фикрини бeриш тартиблари назарда тутилмоқда.

Суд-экспертлик фаолиятининг янада ишончилигини ошириш мақсадида аккредитация ва валидация институтларини жорий қилиш қонун лойиҳасида акс этмоқда. Қолаверса, нодавлат суд экспертларини бeриштирувчи, уларга яқиндан ёрдам бeрувчи Суд экспертлари палатасини ташкил қилиш ҳамда унинг вазифалари белгиланган.

Мажлисда депутатлар томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларда суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ўрганиб чиқилгани ҳамда инобатга олингани алоҳида қайд этил-

ди. Шу билан бирга, қатор таклифлар илгари сурилди.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов лойиҳани концептуал жиҳатдан қўлаб-қувватлашини билдирар экан, қонун келгусида самарали ишлаши учун лойиҳада келтирилган принципларни янада такомиллаштириш, махфийлик, экспертнинг жавобгарлиги, эксперт хулосасининг илмий асосланганлиги каби қўшимча принципларни киритиш таклифини билдирди.

Депутат Дилмурод Артиқов эса нодавлат экспертиза билан шуғулланувчи ташкилотларга сертификат бeриш ва уни бeкор қилишга доир аниқлаштирувчи савол билан мурожаат этди.

Қонун ташаббускорлари депутатларнинг саволларига атрофида тушунтириш бeриб, улар томонидан илгари сурилган тақлиф ва тавсиялар лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инобатга олинишини билдирди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Яхши қўшничилик,
ишонч ва стратегик
шериклик

“Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нукта тўғрисидаги Шартномани (Ўхжанд, 2025 йил 31 март) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси обдан муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси билан сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақаси тубдан ўзгариб, янги қиёфа касб этди. Конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик maidонида айланди. Бугунги кунда яхши қўшничиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларга таянган Марказий Осиё уявулуда кeлади.

Бу борада уч мамлакат ўртасида чегара масалаларининг ҳал қилиниши — ўзаро ҳурмат, суверенитет, тенглик таъмоийиларига асосланган айнан ушбу кўп йиллик машаққатли меҳнат, самимий мулоқот ва ҳамкорлик самарасидир. Айни дамда ушбу шартнома бутун минтақани яқинлашувда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шартнома 2025 йил 31 мартда Ўхжанд шаҳрида бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувда имзоланган. Унга кўра, уч давлатнинг чегаралари туташган нукта-нукта жойлашуви ҳамда туташган нукта ҳудудида давлат чегаралари чизикларининг ўтиши аниқланди.

Мазкур шартнома уч қардош мамлакат ўртасида яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари янада мустаҳкамланишига, бутун Марказий Осиё минтақаси халқаро нуфузининг янада ошишига хизмат қилади. Шартнома, шунингдек, уч давлат фуқа-



ролари ўртасидаги алоқаларнинг жадаллашувиغا, чегарадош ҳудудлар иқтисодий ҳамкорлигининг кучайишига, чегараолди савдонинг ортишига, чегара ҳудудларда турли инфратузилмавий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга, янги иш ўринларини яратишга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Олий таълимга оид
глобал конвенция

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги масала “Олий таълимга оид малакалари тан олиш тўғрисидаги глобал конвенцияни (Париж, 2019 йил 25 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Олий таълим соҳасида малакаларни тан олиш глобал конвенцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу борадаги биринчи глобал шартномаси ҳисобланади. Хусусан, у дунё бўйлаб олий ўқув юртлирига кириш ва улар ўртасида мобилилини яхшилаш мақсадида ўқув курслари, таълим тўғрисидаги ҳужжатлар ва малакаларни тан олишнинг универсал тамойилларини белгилайди.

Шартнома муқаддима, 6 бўлим ва 25 моддадан ibорат бўлиб, олий таълимдаги малакаларни тан олиш учун адолатли, шаффоф ва камситилмайдиган глобал асосни яратиш, минтақа-

лараро академик мобиллини кенгайтириш ҳамда талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг малакаларини тан олиш ва уларнинг эркин ҳаракатланишига кўмаклашиш, олий таълимга оид ҳужжатларни тан олишда барча минтақалар учун умумий ва келишилган тамойилларни ишлаб чиқиш унинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Ушбу конвенцияни ратификация қилиш олий таълим соҳасидаги малакаларни адолатли, шаффоф ва камситмасдан тан олиш учун асос яратди. Қолаверса, минтақалараро академик мобиллик учун имкониятлар очиб, квалификацияларни тан олиш амалиёти-ни яхшилашга қаратилган универсал тамойилларни жорий қилади.

Глобал конвенция талабалар учун бутун дунё бўйлаб таълим ва илмий тадқиқотларни давом эттириш имконини яратиш билан бирга, унга аъзо бошқа етакчи давлатлар билан таълим соҳасидаги икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, уларни оммалаштириш ва халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантиришга эшик очади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Давлат хизматларини
кўрсатиш борасидаги
ишлар бўйича ахборот
эшитилади

Қонунчилик палатасининг Ҳаракатлар дастурига мувофиқ, қўйи палата мажлисларида ҳукумат аъзолари ва давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар, қонунлар ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасидаги ишлари юзасидан ахборотлари эшитиб келинмоқда.

Мажлисда Адлия вазيري А. Тошқуловнинг “Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қўшимча қулайликлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг масофадан тусти электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу сайё-ҳаракатлар натижасида

давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сони 508 тага етди. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилаётган хизматлар сони эса 780 тани ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, олис ва чекка ҳудудда яшовчи фуқароларимизга давлат хизматлари кўрсатишда айрим муаммолар кузатишмоқда.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, мазкур масала юзасидан Адлия вазирининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Вазир
ахборот беради

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 29 июлда маийш коррумпцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган тақдиротда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда коррумпцияга қарши курашиш йўналишида олиб бoрилаётган изчил сайё-ҳаракатлар ҳамда соҳадаги муаммолар парламент даражасида муҳокама қилиб келинмоқда.

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирини Қ. Шариповнинг “Коррумпцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг ижроси ҳамда соҳада коррупция омилларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизимида коррумпциянинг ҳар қандай шаклига қарши курашиш, соҳани коррумпциядан холи тизимга айлантириш мақсадида рақамлаштириш жараёниларини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада олиб бoрилаётган чора-тадбирларга қарамай олий таълим муассасаларида давлат харидларини амалга ошириш, талабаларни баҳолаш тизимини шаффоф тарзда йўлга қўйиш, нодавлат олий таълим муассасаларини лицензиялаш ҳамда ёшларда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш борасида айрим муаммолар кузатишмоқда.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, ушбу масала юзасидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Парламент сўровига
жавоб қўриб чиқилди

Мажлисда Ўзбекистон энергетика вазирининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, шу жум-

ладан, қуёш панелларини ўрнатиш борасидаги ишлар қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги парламент сўровига жавоби ҳам кўриб чиқилди.

Унда келтирилишича, бугунги кунда мамлакатимизда умумий қуввати 4 682 МВт бўлган 12 та қуёш, 5 та шамол электр станциясида “яшил” энергия ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида 3 та энергия сақлаш тизими ишга туширилган.

Давлат раҳбарининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларини жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан вазирлик томонидан ҳозирги кунга қадар республикамизда умумий қуввати 1 857 МВт бўлган қуёш панеллари ва 4 838 минг литр ҳажмли гелиоколлекторлар ўрнатилган.

Натижада 2 210 млн. кВт-соат электр энергияси ва 669,7 млн. куб метр газ тежаллашга эришилган бўлса, 875 минг тонна зарарли газлар (CO₂) ҳавога чиқарилишининг олди олинган.

Бугунги кунда республикамизда умумий қуввати 770 МВт бўлган қуёш панелларини ишлаб чиқарувчи 7 та корхона фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мс давридагига нисбатан сезиларли даражада ошган. Қолаверса, қуёш сув иситкичлари ишлаб чиқариш бўйича

ДУАЛ ТАЪЛИМ: РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Бугунги кунда замонавий меҳнат бозорининг талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим масалага айланган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар доирасида дуал (иккиламчи) таълим тизимининг жорий қилиниши долзарб ва стратегик йўналиш ҳисобланади.

Нуқтаи назар

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги "Профессional таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори асосида мамлакатимизда ушбу тизим босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Дастлаб, касб-хунар мактаблари, коллежлар ҳамда айрим олий ўқув муассасаларида йўлга қўйилди.

Синовдан ўтган тизим

Дуал таълим — бу назарий билimler олийгоҳларда ёки касб-хунар мактаблари, коллежлар амалий кўникмалар эса ишлаб чиқариш — корхона, ташкилот ёки муассасаларда ўргатиладиган таълим шакли. Бу тизим, айниқса, Германия, Австрия каби ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади ва самарали натижалар бермоқда.

Дарҳақиқат, дуал таълим амалий кўникмаларни чуқур эгаллаш имкониятини беради, талабалар реал иш муҳитида ишлаб, ўз касбларини чуқур ўрганади. Айни пайтда иш билан таъминланиш имкониятига эга бўлади. Яъни кўплаб корхоналар дуал таълимда иштирок этган талабаларни кейинчалик ишга қабул қилади. Зеро, ушбу битирувчилар меҳнат бозорига тез мослашади, тайёр мутахассис сифатида ўз фаолиятини бошлайди.

Юртимиз таълим тизимида

Хамкорликнинг «Йўл харитаси»

Дуал таълим тизимини тўлиқ жорий этиш мақсадида университет томонидан махсус "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатда таълим жараёнини амалий кўникмалар билан бойитиш, корхоналар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва таълим сифатини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Бугунги кунда бу вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилмоқда.

Жумладан, талабаларни қабул қиладиган корхоналар имкониятлари чуқур ўрганилди. Натижада қатор таълим йўналишлари бўйича кафедра филиалларини уларда ташкил этиш ҳақидаги шартномалар имзоланди. Хусусан, "Хоразм ХЕТ" АЖ, "Хоразм илаги" МЧЖ, "УЗТЕХ Групп" МЧЖ Урганч филиали, Ўзбекистон миллий метрология институтига давлат муассасаси Хоразм филиали, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадрлар ага бўлишини таъминлашга замин яратмоқда. Университетнинг таълим жараёнига янги ўқитиш технологияларининг жорий этилиши эса талабаларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.



Ўтаб, илмий изланишлар кўламини оширишмоқда.

Бу жойларда ташкил этилган кафедра филиаллари орқали талабалар ўз касбига доир назарий билимларни амалиётда қўллаш имкониятига эга бўляпти, корхона мутахассислари эса ўз билим ва тажрибаларини тўғридан-тўғри таълим жараёнига татбиқ қилмоқда.

Олийгоҳда таълим сифатини янада яхшилаш ва халқаро стандартларга мос келадиган дастурлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, дуал таълим тизими йўлга қўйиладиган таълим йўналишларининг ўқув режаси ва дастурлари қайта қўрилиб, амалий машғулотлар юклаваси сезиларли даражада оширилди ва таълим жараёнига мослаштирилди. Бу, ўз навбатида, талабалар учун нафақат назарий билимларни, балки амалий кўникмаларни ҳам самарали эгаллаш имконини яратмоқда.

Халқро тажрибага интеграциялашув

Бундан ташқари, университет халқаро рейтингларда "ТОП — 300" талика кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг таълим дастурларини диққат билан ўрганиб чиқди. "QS", "THE" ва "ARWU" каби нуфузли рейтингларда юқори ўринларга эга ҳамкор университетлар-

нинг фан дастурлари таҳлил қилиниб, улар миллий таълим дастурларини янада сифатли ва замонавий шакллантириш учун асос бўлди.

Бу дастурларнинг амалий қисми доирасида ўқув машғулотлари ҳафтанинг маълум кунларида бевосита корхона ва ташкилотларда ўтказилиши кўзда тутилган. Бу эса талабалар учун назарий билимларни реал иш муҳитида қўллаш, замонавий технологиялар билан танишиш ва профессионал кўникмаларини мустақамлаш имконини яратди. Ушбу ёндашув талабаларни келажакдаги касбий фаолиятга тўлиқ мослаштиради.

Корхоналардаги амалий машғулотлар орқали талабалар ишлаб чиқариш жараёнини бевосита кўриб, ўзлаштираётган фанларини амалда қўллаш имкониятига эга бўлмоқда.


Таълим жараёнининг назарий қисмидаги талабалар иштирокчи университетда тегишли профессор ўқитувчилар, ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмидаги иштирокчи эса корхонадан масъул қилинган амалиёт раҳбари (устоз) назоратта олиши йўлга қўйилган.

Дуал таълим — бу фақат таълим тизимининг ривожланиш босқичи эмас, балки иқтисодиёт учун етук ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг самарали йўли. У нафақат ёшларнинг иш билан таъминланишига, балки бутун жамиятда ишлаб чиқариш маданиятининг юксалишига ҳисса қўшади. Ушбу тизимнинг кенгайтирилиши ва тўлақонли жорий қилиниши Ўзбекистон тараққиётида муҳим аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

Сардор ХОЖАНИЙЗОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Ўрганч давлат университети
ректори вазифасини бажарувчи,
педагогика фанлари доктори,
профессор.

МЕҲР КУЙЧИСИ

Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий хотирасига бағишланган "Ҳазрати инсон" номли адабий кеча ташкил этилди. Унда ижодкорнинг оила аъзолари, шоир ва ёзувчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.



Хотира

Дастлаб йиғилганларга адиб ҳаёти ва ижодида бағишланган қисқа метражли фильм намойиш этилди. Тадбирда Раҳмат Файзийнинг ибратли ҳаёт йўли, серқирра ижоди ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, адиб "Тўй тўенаси", "Чўлга баҳор келди", "Шоҳи дарпарда" сингари очерк ва ҳикоялар тўпламлари орқали элга танилган. Ижодкорнинг "Текин музқаймоқ", "Менинг бобом", "Чўнтак", "Нафиса" каби ҳикоялари болаларни миллий руҳда тарбиялашга хизмат қилди. "Сен етим эмассан", "Ёр-ёр" киноқиссалари ўзбек миллий кинодраматургияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Тадбирда "Сен етим эмассан" фильмида Иккинчи жаҳон урушида етим қолиб ўзбек оиласидан паноҳ топан 14 нафар боланинг бири — қизалоқ Дидро ролини ўйнаган Россия Федерацияси халқ артисти Лариса Луппиан онлайн тарзда қатнашиб, фильм олинган даврдagi таассуротларини гапириб берди.

Раҳмат Файзийнинг қизи Дилбар Юсупова отаси ушбу киноқисса устидagi ижодий ишини давом эттириб, 1970 йилда уруш йилларида 14 нафар етим болани ўз бағ-

рига олган ва уларга меҳр-мурувват кўрсатган темирчи Маҳкам ака ва Меҳринисо опа фаолияти орқали оддий кишилар қаҳрамонлигига бағишланган "Ҳазрати инсон" романини яратгани ҳақидаги хотираларини эслади. Ўзбек халқига хос меҳр-муҳаббат, бағрикенглик фазилатлари кенг эпик планда тасвирланган мазкур асарда ўзбек адабиётининг инсонпарварлик моҳияти ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Асарлари моҳиятига кўра меҳр куйчисига айланган Раҳмат Файзий Ўзбекистон халқ ёзувчиси юксак унвонига сазовор бўлди, Ватанимизнинг қатор орден ва медаллари билан тақдирланди. Ёзувчининг кўплаб асарлари рус ва бошқа тилларга ўғирланган. Тошкент шаҳридаги кўчалардан бири Раҳмат Файзий номи билан аталади.

Тадбир иштирокчилари Кўрғазмалар залида Раҳмат Файзий қаламига мансуб кўлёмалар, чоп қилинган китоблар, адибнинг шахсий буюмлари, фотосуратлари билан танишди. Шунингдек, Раҳмат Файзийнинг лотин алифбосида қайта нашрдан чиққан "Ҳазрати инсон" асари адиб оиласи номидан тақдим этилди.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЎЗБЕК ТИЛИДА БИЙРОН СЎЗЛОВЧИ ҲИДА ҚИЗИ

Бухородаги таълим муассасалари, хусусан, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт институтида ҳиндистонлик кўплаб талабаларни ўқратиш мумкин. Хан Хуррия — ана шунларнинг бири. Бу интилувчан қиз қисқа муддат ичида ўзбек тилини чуқур ўрганиб олгани, она тилимизда бийрон гапириши билан кўпчиликнинг назарига тушди.

Ибрат

— Шифокор оиласида ўсиб-уғрайдим, — дейди у. — Тиббиёт илмининг сўлтони саналган Абу Али ибн Сино Ватанимизда ўқиб орсун эди. 2020 йилда ниятимга етдим. Буюк алломо номи билан аталувчи ушбу олий ўқув юртида таҳсил олиб, бакалавр дипломига эга бўлдим. Айни пайтда эса мазкур инсти-тутнинг ординатурасида акушер-лик ва гинекология йўналишида ўқимокдаман. Шу билан бирга, хусусий клиникада амалиёт ўта-япман. Устозларимдан миннатдорман. Ўзбекистонга, ўзбек тилига меҳр-муҳаббатим бўлсана. Шу боис ҳам мазкур тилин кунт билан ўргандим. Дўстларим, устозларим, шунингдек, клиникадаги беморлар билан ўзбек тилида гаплашаман. Бу касбий маҳоратимни оширишимда ҳам асқатмоқда.

Ҳиндистонлик талабанинг ўзбек тилида эмин-эркин сўзлашаётганини кўриб беихтиёр та-санно айтасиз. Ахир бир умр юртимизда яшаб ўзбек тилини ўрганишни, маҳаллий аҳоли билан шу тилда мулоқотга киришишни ўйлаб ҳам кўрмаган кишилар эс эмас-да.

Хан Хуррияга келсак, зехни ўткир бу талабанинг ўзбек тилини чуқур ўрганишга бўлган интилишлари зое кетмаяпти. Яқинда у олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хорижлик талаба-ёшлар ўрта-сида ўтказилган "Ўзбек тили — қалбим таржимони" кўрик-танловининг республика бос-қичида ғолиб чиқди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Кулайлик

Бойсун туманидаги чекка Сайроби маҳалласини Обғир қишлоғи билан боғловчи янги кўприк фойдаланишга топширилди. Унинг қурилиши доирасида селдан ҳимоя қилувчи бетон тўсиқлар ўрнатилди ҳамда 287 метр масофада асфальт ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Чекка ҳудуддаги замонавий кўприк

Мазкур иншоот аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ҳудудларо алоқаларни яхшилаш ва транспорт ҳаракатини енгиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Бу кўприк аҳолига катта кулайлик яратди, — дейди маҳалла фаоли Мерган Шотуров. — Илгари сел келганда йўлларимиз узилар, болалар мактабга боролмай қийналарди. Энди эса ҳам-

маси ортда қолди. Қурилиш ишлари тизимли ва сифатли амалга оширилди. Маҳалладошларимиз ҳам қараб туришмади, баҳоли қудрат кўмаклашди. Кўприк қурилишида меҳнат қилган барчага миннатдорлик билдирдим. Бундай эзгу ишлар бардавом бўлсин.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ГЎЗАЛЛИК ВА САЛОМАТЛИК

МУВОЗАНАТ НУҚТАСИ ҚАЕРДА?

Ижтимоий тармоқлар авж олган, олди-сотди ривожланган даврда яшапмиз. Кўпчилик асосий эътиборини ички оламидан кўра, ташқи кўринишига қаратмоқда. Айниқса, ёш авлоднинг айрим вакиллари кўпроқ обуначи, кўпроқ олқиш хоҳлайди. Бу ҳаракатлар илим тарқатиш, тажриба улашиш, ҳалол хизмат кўрсатиш орқали бўлса, аъло. Аммо ўз баданини кўз-кўз қилиш йўли билан шурхат ва мол топиш на ўзбекчиликка тўғри келади, на инсонийликка. Ижтимоий тармоқлардаги ошқоралиқлар оқибатида одамлар ўзини бошқалар билан қиёслаш, ўзгаларга, айниқса, машҳурларга ўқшаб учун интилиш "касал"ига мубтало бўляпти. Бунинг натижасида, зарурат бўлмаса-да, юзини пластик операция қилдираётганлар, қиёфасини буткул ўзгариётганлар кўпаймоқда.

Мушоҳада

Пластик операциялар ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг ҳаёлида, аввало, юзидаги қайсибир аъзосини ўзгаришга қиёслаган гапланади. Аммо тиббий жиҳатдан олиб қаралса, бу соҳанинг камрови анча кенг ва ҳаётий аҳамиятга эга. Пластик хирургия дастлаб эстетик эмас, реконструктив (тиқовчи) мақсадда ҳаётимизга кириб келди. Мазкур кашфиётга тўғма нуқсонларни ёки уруш, автохалокатлар, иш жараёнидаги турли кўнгилсиз ҳодисалар, қуйишлар оқибатида келиб чиққан жароҳатларни тўлатиш, тананинг шикастланган қисмини тиклаш учун қўл урилди. Бу нафақат жисмонан, балки руҳан оғир зарбага йўлқилиш кишиларга ўз ташқи кўринишини тиклаш, ҳаёт сифатини яхшилаш учун умид ва имкон туғдирди.

Соғлом ҳаётга қайтиш имконияти

Ташқи кўриниш кишининг жамиятдаги ўрни, одамлар орасида ўзини тутишига таъсир қилиши бор гап. Шикаст ёки нуқсонлар баъзан инсондаги ўзига бўлган ишонч-ни йўқотиши, депрессия ва ижтимоий изоляцияга олиб келиши мумкин. Пластик жароҳлиқ бундай беморларга нафақат жисмоний, балки руҳий барқарорлиқни тиклашга ҳам ёрдам беради. Психологларнинг таъкидлашча, кўпгина реконструктив опера-

циялардан сўнг беморнинг руҳий ҳолати, ижтимоий мослашуви ва фаоллиги сезиларли даражада яхшиланади.

— Эстетик операциялар жисмоний, айни пайтда, руҳий мувозанатни тиклаш воситасидир, — дейди Дерматовенерология ва косметология илмий-амалий маркази ходими, пластик ва юз-жағ жароҳи Мақсуджон Сувонов. — Масалан, баъзи одамларда бурун ичидаги суюқ тусиги (септум) қийишқ бўлади ва нафас олиш қийинлашади. Мияга кислород яхши етиб бормаган, вақт ўтиши билан юрак ҳам зўриқа бошлайди. Бундай беморларда бурун тўси-чини тўлатиш операцияси орқали нафас олиш функцияси яхшиланади, қарабосизки, унинг қундақлик ҳаёти енгиллашади. Ёки юқори лаб ва танглай тўғма кемтиклари билан туғилган гўдакларни икки-уч йил да-вомида босқичма-босқич даволаш имизига тўғри келади. Болалардаги ушбу нуқсонларни тўлатиш операцияси нафақат эстетик, балки нафас олиш, овқат ейиш ва нутқ функциясини тиклашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳаётда тез-тез учраб турадиган йўл-транспорт ҳодисалари-дан сўнг юз суюқлари ёки юмшоқ тўқи-малар нуқсонларини тиклаш учун ҳам пластик жароҳлиқ амалиётлари соғлом ҳаётга қайтиш имкониятидир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижа-сида пластик ва реконструктив хирургия марказларининг ҳам сони ортиб, замона-вий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Ма-

ласи ортда қолди. Қурилиш ишлари тизимли ва сифатли амалга оширилди. Маҳалладошларимиз ҳам қараб туришмади, баҳоли қудрат кўмаклашди. Кўприк қурилишида меҳнат қилган барчага миннатдорлик билдирдим. Бундай эзгу ишлар бардавом бўлсин.

Мутахассиснинг таъкидлашча, юрти-мизда мазкур соҳанинг ривожланиши тиб-бий туризмга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Рос-сия, Қозғоғистон, Тоғжикистон, Қирғизистон каби давлатлардан ҳам беморлар му-рожаати кўпайган. Клиникаларимизда халка-ро сертификатларга эга, юқори малакали мутахассислар фаолият юритмоқда.

Пластик операциялар бугун инсон са-ломатлигини тиклаш йўлидаги замонавий тиббий йўналиш сифатида аҳамиятли. Аммо бу имкониятдан нотўғри фойдала-ниш оқибатида янги-янги дардлар ва му-аммолар ҳам пайдо бўлмаяптими, деган савол туғилади.

— Хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, чиройли кўринишга уринади. Бу табиий ҳол. Лекин ҳар ишнинг ўз меъёри, йўл-йўриги бўла-ди, — дейди Мақсуд Сувонов. — Бундай қарорни қабул қилишда шошилмаслик, соғлиқни биринчи ўринга қўйиш даркор. Ҳар қандай амалиёт фақат шифокор та-всияси ва мукаммал тиббий кўрик асосида амалга оширилиши шарт. Ноконуний фа-олият юритаётган клиникаларга, тиббий ма-лакаси бўлмаган гўзаллик салонларидаги косметологларга ёки тажрибасиз шифокор-ларга муурожаат қилиш инсон саломатли-ги учун жиддий ҳавф туғдиради. Умуман ол-ганда, халқимизнинг тиббий маданиятини шакллантиришимиз, айниқса, ота-оналар маслаҳатсиз бўлган муурожаатлари на-зорат қилишимиз керак. Дерматовенеро-логия ва косметология илмий-амалий мар-казимизда пластик жароҳлиқ билан бир қаторда малакали врач косметологлар, те-рапевт ва анестезиологлар ҳам иш олиб боради. Умуман, амалиёт учун келаётган беморлар ҳам тиббий, ҳам руҳий томон-дан чуқур ўрганилиб, операцияларга кўрсатма мавжуд бўлган ҳолатлардагина оператив аралашувлар амалга оширила-



ди. Мутахассислар томонидан ҳар бир бе-морга индивидуал ёндашган ҳолда хоҳиш-ларини инобатга олиб ва албатта миллий менталитетимиз ва қадриятларимизга мос ҳолда тўғри ва малакали тавсиялар бери-лади.

Энг аъло гўзаллик

Бугунги кунда жаҳон миқёсида пла-стик амалиётлар сони кескин ошмоқда. Ва бу "мода"га кўр-кўрона эргашиб, ор-қасидан бир умрлик пушаймон бўлиб ке-таётганлар дунёнинг ҳар ерида бор. Бир-гина Жанубий Кореяда 2020 йилда ўтка-зилган сўров натижасига кўра, 19-20 ёшли хотин-қизларнинг 25 фоизи, яъни ҳар тўртинчи аёл ва ҳар ўнчини эр-как ҳеч бўлмаганда бир марта косметик жароҳлиқка муурожаат қилган. 30 — 39 ёшлилар орасида бу кўрсаткич 31 фо-изга чиққан. АҚШ, Бразилия, Туркия ва Япония каби давлатларда ҳам рақамлар анча юқори. Ўзбекистонда ҳам охириги пайтларда нотабийи юзлар кўпайётгани-ни пайқаш қийинмас. Дўрдайган лаблар, ясама бурун, қирқилган-тортилган тери-лар дорилар воситасида қотирилган шўрлик юзлар... Ўйлаб қолсан, наҳотки, инсоннинг ўзига ўзининг раҳми келма-са? Вақтинчалик сохта чирой бу қадар фидойиликка арзиса наҳот?

Пластик жароҳлиқда ҳаттолик эҳтимоли-хаммиса мавжуд, ҳатто энг тажрибали ши-фокор ҳам юз фоиз қафолат бера олмай-ди. Айталик, юздаги асаб тоналари ши-кастланса, мимика бўзилади. Бундай ҳолат-га тушган аёлнинг ёш боласи бўлса, она-сининг юзига қараб, ўш тушуна олмайди. Бу тушунолмаслик болада ҳам руҳий "тра-вма"лар туғдиради. Юз ва тананинг бошқа соҳаларида ўтказилган бир неча қайта-кайта операциялар оқибатида эса чан-диқлар ва фиброз тортишишлар ҳамда эстетик етишмовчиликлар юзга келади.

Кўплаб психологик тадқиқотларга кўра, косметик амалиётлардан кейин айрим бе-морларда руҳий тушқунлиқ ҳолатлари ку-затишган. Яъни ҳаққий гўзаллик хилқат-ни тузатишда эмас, балки ўз-ўзини қабул қилишда. Инсон ўз ички хотиржаллигини топмаса, у қанча операция қилдирмасин, ички норозилик давом этаверади. Кана-далик психолог Линда Пападопулос шун-дай дейди: "Гўзалликка ҳаддан ташқари ургу бериш натижасида инсон ўз "мен"и-ни йўқотади. У энди ўз танасида эмас, ойнадаги аксда яшайди". Психолог до-ктор Рамани Дурвасула бунинг шундай изо-ҳлайди: "Гўзаллик ижтимоий валютасига ай-ланган. Аммо бу валюта сохта: у одамни вақтинча кўтарайди, кейин эса руҳий қарз-га ботиради".

Ўзини жамиятнинг "чиройли бўлиш керак" деган босимига топширган, кейин эса асл табиийлигини йўқотган ки-шилар англаб, пушаймон бўлган киши-лар кўп. Улардан бири ўз "иккороно-ма"сида шундай дейди: "Шунчалик ташқи кўринишга боғлиғим қолган эдимки, худди шу орқали яшаб қа-дагандек ҳис қилардим. Энди эса та-биийи юзли одамларни кўрсам, ўша ҳолатимни соғиниб кетаман". Ёшлиги-да бурнини операция қилдирган, ле-кин кейинчалик бу қароридан пушай-мон бўлган бошқа бири эса "Энди бил-сам, аждодларимнинг бурнини сақлаб қолишим керак экан. Ўша табиийлик менга кўпроқ мос эди, аслида. Аёллар учун айтомқаним — танангиз билан ўйнаманг", дея изтироб чекади.

Халқимиз азал-азалдан илм-маърифат, одоб-ахлоқ ва ҳалол меҳнатни қадрлаб кел-ган. Бизнинг қадриятларимизда сохта гўзаллик қоралиб, ўз хуснини кўз-кўз қилиш ҳатто ор саналган. Диний манба-ларимизга муурожаат қилганимизда ҳам: "Кос-метик жароҳлиқ амалиёти тиббий муола-жа бўлмай, балки инсоннинг текис хилқа-тини ўз ҳавойи нафисига эргашиб ёки бо-шқаларга тақлид қилиб, рағбатларини рўё-бо қилариш мақсадида бўлса, жоиз эмас"-лиги айтилади.

...Ҳаммамиз турлича ва бетакроримиз. Табиатдаги ҳар бир юз, ҳар бир ранг, ҳар битта қизик — бу ўзгача бир хусн ва ўз маносига эга. Сунъийлик эса бирхиллик-ка олиб келади. Бир хил юзлар, айни қолипдан чиққан лаблар, бир хил бурун-лар... Бетакрорлиқнинг йўқолишига сабаб бўлади. Шундай экан, аслият — энг аъло гўзаллиқдир.

Ғолиб БАҲРОМОВ
(«Халқ сўзи»).

«Хорижда ҳам миллат юзи бўлиб қолайлик» шиори остидаги «Мен Ватанимнинг юзиман» номли акция шу йил 5 ноябргача давом этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 11 001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлёмалар тақриб қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.
Газетанинг муҳаббат берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказ